

193 – الثالث : عَنْ أَبِي الْوَلِيدِ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي الْعُسْرِ وَالْيُسْرِ، وَالْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ، وَعَلَى أَثَرِ عَلَيْنَا، وَعَلَى الْأَثَرِ الْأَمْرِ أَهْلُهُ إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى فِيهِ بُرْهَانٌ، وَعَلَى أَنْ نَقُولَ بِالْحَقِّ أَيْنَمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَائِمَةً». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 7199، م 1709/41، 42 في الإمارة، باب وجوب طاعة الأمراء في غير معصية].

«الْمَنْشَطُ وَالْمَكْرَهُ» بَفَتْحِ مِيمَيْهِمَا: أَي: فِي السَّهْلِ وَالصَّعْبِ، وَ«الْأَثَرُ»: الْإِخْتِصَاصُ بِالْمُشْتَرِكِ، وَقَدْ سَبَقَ بَيَانُهَا [برقم 56]. «بَوَاحًا» بَفَتْحِ الْبَاءِ الْمُوَحَّدَةِ بَعْدَهَا وَأُو ثَمَّ أَلِفٌ ثَمَّ حَاءٌ مُهْمَلَةٌ؛ أَي ظَاهِرًا لَا يَحْتَمِلُ تَأْوِيلًا.

193. Абулвалид Убода ибн Сомит розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қийинчиликда ҳам, енгилчиликда ҳам, (рози бўлиб) ёқтирганда ҳам, (норози бўлиб) ёқтирмаганда ҳам, ҳаққимиз берилмаганда ҳам қулоқ солишга ва итоат қилишга, бу ишни (раҳбарликни) эгаллаб турганлар билан тортишмасликка, фақат (уларда) ошкора куфрни кўрсангиз-у, бу ҳақда сизда Аллоҳдан ҳужжат-далил бўлса, мустасно. Қаерда бўлмайлик, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмай, ҳақни айтишга байъат қилдик».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ:

1. «Қийинчиликда ҳам, енгилчиликда ҳам, (рози бўлиб) ёқтирганда ҳам, (норози бўлиб) ёқтирмаганда ҳам, ҳаққимиз берилмаганда ҳам қулоқ солиш ва итоат қилиш».

Албатта, бу қулоқ солиб итоат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмон раҳбарларга бўлади. Бу шарт ҳар бир жамият учун жуда зарур. Бошлиққа қулоқ осиб итоат қилинмаган жойда тартиб-интизом, муваффақият бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Исломда бу нарсага катта аҳамият берилган.

2. «...ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик».

Саҳобаи киромлар истилоҳида ишбошилиқ «иш» деб юритилган. «Бу иш ҳақида сўровдим, бу иш тўғрисида гап юритадиган бўлсак», каби ибораларда ишбошилиқ кўзда тутилган. Бу ерда ҳам, бу ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик, деганда ишбошилиқни топширилган одамдан олиш учун талашиб-тортишмаслик маъноси чиқади. Чунки агар шундоқ бўлмаса, талабгорлар кўпайиб, мансаб учун уруш-жанжал авжга чиқиши мумкин.

3. «Фақат очиқ-ойдин куфр кўрсангиз ва сизда Аллоҳдан бурҳон-ҳужжат бўлса», деганлар.

Яъни, агар очиқ-ойдин куфрнинг содир бўлганини кўрсангиз ҳамда сизда бунга кучли ва аниқ ҳужжат бўлса, низо қилсангиз бўлади, деганлари. Бошқа хатолар юз берса, мусулмонлар насиҳат қиладилар, хатони очиқ кўнгил билан кўрсатадилар.

4. «Қаерда бўлсак ҳам, Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан кўрқмасдан ҳақ гапни гапириш...».

Бу мусулмончиликнинг кўзга кўринган фазилатларидан биридир. Қаерда бўлса ҳам, ҳеч нарсадан кўрқмасдан, Аллоҳ учун фақат ҳақ гапни айтиш-чин мусулмон одамнинг сиймоси. Аллоҳ розилиги ана шундай топилади. Шунинг учун ҳам, бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган байъат шартларига қўшилган.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан қилинган яна бир ривоятда халифалиқ ишини низо қилмаслик тўғрисидаги шартдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI